



## PHARMACOLOGICAL PROPERTIES OF MEDICINAL PLANTS USED IN OTORHINOLARYNGOLOGICAL DISEASES

Akbarov Asliddin Toxir o'g'li<sup>1</sup>, Qiyomova Dilfuzv Sharipovna<sup>2</sup>,

Pardayeva Soxiba Bo'riyevna<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Samarkand State Medical Institute

2nd year student of the Faculty of Pharmacy,

<sup>2</sup> Assistant,

<sup>3</sup> Assistant, Samarkand State Medical Institute

Department of Medical Chemistry

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4945569>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> June 2021

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2021

Online: 10<sup>th</sup> June 2021

### KEY WORDS

Acute and chronic  
bronchitis, mucous  
membrane, respiratory  
diseases, inflammation,  
influenza,  
bronchopneumonia,  
bronchial asthma,  
essential oil.

### ABSTRACT

*Inflammation of the upper respiratory tract - bronchitis influenza and other acute respiratory diseases develop as a result of adeoviruses, parainfluenza viruses, rhinoviruses. At the same time in the treatment of patients are widely recommended medicinal plants and phytopreparations derived from them. Nowadays, medicinal plants are widely used in medical practice due to their effectiveness and harmlessness. This article provides detailed information on medicinal plants used in respiratory diseases.*

## ОТОРИНОЛОРИНГОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Акбаров Аслиддин Тохир ўғли<sup>1</sup>, Қиёмова Дилфузв Шариповна<sup>2</sup>, Пардаева Сохиба  
Бўриевна

<sup>1</sup> Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти

Фармация факультети 2 курс талабаси,

<sup>2</sup> Ассистент,

<sup>3</sup> Ассистент, Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти

Тиббий кимё кафедраси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-iyun 2021

Ma'qullandi: 05-iyun 2021

Chop etildi: 10-iyun 2021

### KALIT SO'ZLAR

Ўткир ва сурункали  
bronхитлар, шиллиқ  
парда, нафас аъзолари  
касаликларини,

### ANNOTATSIYA

Юқори нафас йўлларида яллиғланиши -  
bronхитлар грип касаллиги ва бошқа ўткир  
респиратор касаликлар адеовируслар, паразит  
вируслари, риновируслар оқибатида ривожланади.  
Бунда беморларни даволашда кенг миқёсда доривор  
ўсимликлар ва улардан олинган фитопрепаратлар  
тавсия этилади. Хозирги кунда шифобахш  
ўсимликлардан самарали ва безарарлиги туфайли



яллиғланиш, грип тиббиёт амалиётида кенг фойдаланилмоқда. Ушбу касаллиги, мақолада нафас аъзолари касалликларида бронхопневмония, ишлатиладиган доривор ўсимликлар борасида бронхиал астма, эфир батафсил маълумот келтирилган. мойи.

**Кириш:** Нафас аъзолари касалликлари кўп учрайдиган касаллик бўлиб, ривожланиши хава хароратининг пасайиши, совуқ тушиши, оқибатида авж олгани сабабли уларни халқ тилида фасл касаллиги ёки фасл шамоллаши деб юритилади.

Бронхитлар патогенезми бўйича бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Бирламчи бронхит мустақил холда бронхларнинг яллиғланиши, иккиламчи бронхит эса турли касалликларда қизамиқ, кўкйўтал, зотилжам, дифтерия, сил касаллигида келиб чиқади. Касалликнинг асосий сабабларидан бири нафас органлари шиллиқ пардасига микробларнинг тушишидир. Бронхитни пневмококклар ва катарал микрококклар, камроқ холларда стрептококклар келтириб чиқаради. Бронхитлар ривожланиши ва кечиши бўйича ўткир ва сурункали, яллиғланиши, катта кичиклигига қараб диффузли ва чекланган гурухларга бўлинади. Бронхитлар функционал холати бўйича нообструктив (оддий) ва обструктив бўлади. Ажралиб чиқаётган балғамнинг характери бўйича шилимшиқли (катарал), йирингли, геморрагик бўлиши мумкин. Балғам миқдори хар хил; бронхит ва ўпка яллиғланишининг бошланғич шаклида бемор бир-икки марта оз-оздан балғам туфласа, ўпканинг йирингли касалликларида 1-2 литргача балғам ажратади. Ўпка яллиғланиши,

бронхиал астма, брохитнинг бошланғич даврида рангсиз, тиниқ, ёпишқоқ шилимшиқли балғам ажралади. Нафас органлари касалликларида оғриқ асосан, плевра шикастланганда пайдо бўлади. Бронхлар шиллиқ пардасининг ўткир яллиғланишига, аввало, одамнинг совуқотиши, касб корига алоқадор зарарли омиллар, жумладан сульфид, нитрат кислота буғлари, иприт, хлор, фосген, жанговар захарли моддалар, шунингдек, сульфат, азот, ва бошқа кислоталар буғлари, бундан ташқари, физик ва метеорологик омиллар, масалан, тошкўмир, силикат чанги, тўқимачилик саноати чиқиндилари сабаб бўлади.

Сурункали бронхит келиб чиқишида ўткир бронхит, модда алмашинуви бузилиши, чекиш, совқотиш, кимёвий моддалар, саноат корхоналаридан чиқадиган хар хил зарарли омиллар, шунингдек ўпка, юрак хамда юқори нафас йўллариининг касалликлари, пневмококклар, катарал микрококклар, стрептококклар мухим рол ўйнайди. Сурункали бронхит асорат бериб, бир қанча патологик холатлар, аксари ўчоқли пневмония (бронхопневмония), бронхоэктазлар, ўпка эмфиземаси ва бошқалар пайдо бўлишига олиб келади. Ўпка эмфиземасининг қўшилиши беморда хансираш пайдо бўлишига олиб келади, айнаи вақтда одам фақат жисмоний зўриқишлардан хансирайдиган бўлса, кейинчалик тинч турган пайтда хам



чарчоқ ва хансираш кузатилади. Беморнинг тери қопламлари ва кўзга кўриниб турадиган шиллиқ пардалари кўкимтир тусга кириб, юзи керкиб туради. Сурункали бронхит кўпинча аста-секин зўрайиб боради. Бронхларнинг хаво ўтказувчанлигини бузилиши эмфизема пайдо бўлишига замин туғдиради. Кескин деструктив ўзгаришлар эса бронхоэктазларга олиб келади, ва нафас етишмаслигини авж олишига, ўпка туфайли юрак касалликларига сабаб бўлади. Аллергик компонент кўшиладиган бўлса бронхиал астма касаллигига олиб келиши мумкин.

Зотилжам ( пневмония ) – асосан ўпка тўқималари алвеола, оралиқ тўқима, майда қон томирларининг ўткир яллиғланиши билан кечадиган инфекциян касалликдир. Касалликни келтириб чиқарадиган сабабларидан асосийси пневмококклар 54-74 %, стафиликокклар, стрептококклар, вируслар ( грипп вируслари )дир. Касаллик тўсатдан бошланиб беморнинг тана харотати 39-40 ° С га кўтарилади. Дармони куриб, боши оғрийди, терлайди, аввал қуруқ сўнгра қизғиш рангли балғам, йўтал, кўкрак қафасида оғриқ, хаво етишмаслиги, оғриқ йўталганда кучайиши, нафас олиш тезлашиши кузатилади.

Зотилжам касаллигида қуйдаги синдромлар қайд этилади:

1. Интоксикация синдроми умумий холсизлик, бош оғриғи, иштаха сусайиши, тахикардия;

2. Умумий яллиғланиш синдроми хароратни кўтарилиши, қондаги ўзгаришлар, лейкоцитоз;
3. Ўпка тўқимаси яллиғланиши синдроми йўтал, балғам ажралиши, нафас тезлашиши;
4. Ички аъзо ва тизимларда ўзгаришлар юрак қон-томир системаси, хазм системаси, буйрак-пешоб ажратиш системаси, нерв системасида кузатилади.

**Асоратлари:** инфекциян токсик шок, юрак қон-томирнинг ўткир етишмаслиги, эндокардит, нефрит, гепатит, меьда-ичак яраси, ўпкада бўладиган асоратлари: абссесс, плеврит, сурункали формага ўтиши.

Беморларга даво муолажа сифатида турли таъсирли доривор ўсимликлар ва уларнинг йиғмалари, фитопрепаратлар, йўталга қарши, балғам кўчирувчи ва суюлтирувчи, физиотерапевтик муолажалар тавсия этилади. Булардан

- яллиғланишга қарши таъсирга эга арпабодиён беҳи, эрика, узум, андиз, тоғрайхон, далачой, тирноқгул, мойчечак, учрангли бинафша, тоғжамбил, мармарак, оқ ламиум;
- антисептик таъсирга эга қайин мойчечак, эвкалипт, тирноқгул, қарағай; балғам кўчирувчи таъсирга эга гулхайри анжир, бодрезак, жўка, оққалдирмоқ, зубтурум, фенхел;
- бронх секрециясини камайтирувчи - андиз;
- спазмолитик - ледум, ялпиз;
- аллергияга қарши таъсирга эга мойчечак қизилмия, бўймадорон,



учгуллик бинафша, қорақиз кенг ишлатилади. Ушбу ўсимликлар дамлама, қайнатма, қуруқ ва суюқ экстрактлар холида ишлатилади.

Грипп касаллигида организмнинг касалликка бўлган қаршилигини оширадиган фитопрепаратлар - иммуностимуляторлар ва биостимуляторлар берилади. Касалликни бошланишида таркибида витаминлар сақлаган, фитонцид хоссали ўсимликлар ҳамда истма туширувчи, терлатувчи, яллиғланишга қарши таъсир етадиган доривор гиёҳлар ва уларни сақловчи фитойиғмалар тавсия етилади. Масалан:

**Жўка меваси.** маймунжон барги, қалампир ялпиз ўти, мармарак-30 граммдан. 20 г майдаланган йиғмадан олиб, 1 л қайноқ сувга солинади, термосда 1 соат сақланиб докадан ўтказилади. Қабул қилиш: хар икки соатда 200 мл дан ичилади. Дамлама ва қайнатмаси истма туширувчи терлатувчи дорилар сифатида бронхитларда, ангина, зотилжам, трахеитда қўлланилади.

**Гулхайри илдизи.** гулхайри кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Марказий Осиё ва Европа мамлакатларида учрайди. Илдизи таркибида 11% гача шилимшиқ моддалар, 37% крахмал, 2% гача аспирин, 4% бетиин, 10.2% сахароза ва 1.7% гача мой, пектин моддалар бор. Ўсимликнинг шилимшиқ моддалари пентозанлар, гексозамлар ва урон кислоталар аралашмасидан ташкил топган. Ўсимлик шиллиғи нафас йўллари шиллиқ пардаларида юпқа қават

хосил қилиб, уларни турли таъсирлардан химоя қилади. Натижада, ярани битиши тезлашади, шиллиқ парда яллиғланиши секин-аста бартараф бўлади. Бундан ташқари шилимшиқ коллоид хоссалари хисобига балғам кўчишини оширади. Гулхайри илдизидан олинган сувли ажратма ўраб олувчи, химоя қилувчи, юмшатувчи, балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши хоссаларга эга бўлганлиги учун турли касалликларда ишлатилади. Нафас аъзолари касалликларида трахеит, ларингит, сурункали бронхит, бронхопневмония, бронхиал астмада, балғам ажралишини енгиллаштиради ва йўтални камайтиради. Ўсимлик шиллиғи крахмал полисахаридлар ва бошқа бирикмалар хисобига оғиз томоқ шиллиқ пардасини қоплаб, турли механик, физик, кимёвий таъсирлардан сақлайди. Махаллий тарзда ишлатиладиган дорилар таъсирини узайтиради. Ошқозон ва ичак касалликларида - гиперацид гастрит, меъда ичак яра касаллиги, энтероколитда ҳам гулхайри препаратлари кенг миқёсда қўлланилади.

**Мукалтин** ( Mucaltinum ) гулхайри ўтидан олинган полисахаридлар аралашмаси ( қуруқ шилимшиқ ). Таблеткада ( 0,5 г ) чиқарилади, нафас йўлларида ўткир ва сурункали яллиғланишида **бронхопневмонияда** ишлатилади. 1-2 таблеткадан овқатдан олдин ичилади; **даволаш курси** 7-14 кун.

**Оққалдирмоқ** кўп йиллик илдизпояли ўт ўсимлик. Ўзбекистонда: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, ва



Сурхондарё вилоятларида, сернам ерларда ўсади, чет элларда кенг тарқалган. Ўсимлик баргида 2.63% гача гуссилигин ва бошқа аччиқ моддалар ҳамда галлат, олма ва вино кислоталари, стеринлар, инулин эфир мойи, 70-251 мг% витамин С, 5,18 мг% каратиноидлар, 0,25% флованоидлар, алколоидлар, сапонинлар, 8,46-9,61% ошловчи, 7-8% шиллиқ моддалар бор. Ўсимликнинг барги фаол моддаларга бой, лекин махсулотнинг асосий таъсир этувчи шифобахш бирикмалари **аччиқ гликозидлар, шиллиқ ва ошловчи моддалар ҳамда сапонинлардир.** Ўсимлик барги таркибида кўп миқдорда шиллиқ моддалар бўлиб, унинг фитопрепаратлари ( дамлама ) оғиз, томоқ, хиқилдоқнинг яллиғланган шиллиқ пардаларини қоплаб олиб, уларни турли таъсирлардан сақлайди, яллиғланиш жараёнини тезда бартараф этади. Бундан ташқари шиллиқ сапонинлар ва органик кислоталар балғамни суюлтиради, киприкчали эпителийлар ҳаракат фаоллигини ошириб, балғам чиқиб кетишини енгиллиштиради. Ўсимликнинг биологик фаол моддалари комплекс равишда таъсир этиб, юқори нафас йўлларида шиллиқ пардалари яллиғланишида даво кўрсатиб, йўтални камайтиради. Ўсимлик фитопрепаратлари **ларингит, трахеит, сурункали бронхит, бронхопневмония, бронхиал астма,** касалликларида кенг фойдаланилади.

**Тоғрайхон** кўп йиллик хўшбўй ўсимлик. Марказий Осиёнинг айрим худудларида, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда жанубий ўлкаларда учрайди.

Тоғрайхон ўти таркибида 0,12-1,20% эфир мойи, ошловчи моддалар, аскорбин кислота ( гулида 466 мг% баргида 565 мг% гача ) ва фенол карбон кислота бор. Эфир мойи таркибида 44% гача феноллар ( тимол ва карвакрил ), 12,5% бициклик ва трициклик сесквитеренлар, 12,8-15,4% соф холидаги спиртлар ва 2,63-5% гераник ацетат бор. Тоғрайхон фитопрепаратларининг ўти алохида ва бошқа доривор ўсимликлар билан бирга йиғмалар таркибида турли касалликларда балғам кучирувчи ва седатив дори воситаси сифатида ишлатилиши экспериментал шароитда ўрганилган. Тоғрайхон юқори нафас йўлларида ўткир яллиғланишида бронхитларда, тавсия этилади. Седатив таъсири ҳам амалиётда қўл келади.

**Арпабодиён** оддий ( anissivon ) арпабодиён ( P. anisum ) чет элларда тарқалган. Ўзбекистонда айрим жойларда экиб ўстирилади. Ўсимликнинг меваси таркибида 1,2-3,2% баъзида 6% гача эфир мойи, 8-24 % йоғ ва оқсил моддалари бор. Ўсимлик таркибидаги эфир мойи яллиғланишга қарши, спазмолитик ва балғам ажратувчи таъсир кўрсатиб, ичга қабул қилинганда ошқозон секрециясини оширади. Сўрилгандан кейин бронх шиллиқ пардаси орқали чиқишда унинг хужайраларини қитиқлаб, секреция ажралишини кучайтиради. Бронхлар микрофлорасига қисман бактерицид таъсир этади, эфир мойининг балғам ажралишини ошириши унинг таркибидаги анитол хисобига бўлади. Шунингдек, эфир мойи киприкчали



эпителиларнинг фаоллигини оширади, бронхларнинг шиллиқ пардаси секрециясини кўпайтиради. Препарат ларингит, трахеит, бронхит, бронхопневмония, бронхоэктаз касалликлари ва кўкйўталда тавсия этилади. Анис мойи ( Oleum Anisi ) таркибида 80% га яқин анитол, анисальдегид, анис кислота моддалари бор. Балғам кўчирувчи сифатида 2-3 томчидан, бронхитда 10-15 томчидан ичилади.

**Уч рангли гунафша** бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик МДХ мамлакатларининг европа қисми ўлкаларида ўсади ва Бошқирдистонда йиғилади. Махсулот таркибида рутин, витоксин, ореинтин ва делфинидин, пеонидин, эфир мойи 40% гача, каротин, витамин С, салицилат ва урсол кислоталар, шиллиқ моддалар ва сапонинлар бор. Флавоноид гликозид виолокверсетин махаллий ва умумий тасирга эга. Таркибидаги сапонинлар балғам кўчирувчи ва пешоб хайдовчи таъсир кўрсатади. Уч рангли гунафшанинг дамлама ва қайнатмаси бронх шиллиқ қават хужайралар секретсиясини кучайтириб, шиллиқ қават яллиғланган қатламни юмшатади. Балғам кўчиши ва чиқиб кетишини осонлаштиради.

**Эвкалипт** турлари миртадошлар оиласига мансуб бўлиб, баландлиги 15-17 баъзан 150 м гача етадиган доим яшил йирик дарахтлар хисобланади. Ватани Австралия, Тасмания, Янги Зеландия, асосан Қора денгиз бўйларида ҳамда Ботаника боғларида иқлимлаштирилади. Барглари таркибида эфир мойлари

(гераниод, изопулегол, цинеол), ошловчи ва қатрон моддалар, алифатик альдегидлар борлиги аниқланган. Эвкалипт барги таркибида 1,5-3 % эфир мойи, 10 % ошловчи ва бошқа моддалар мавжуд. Таркибидаги эфир мойи **безгак, бўғма, қизилча, истма, грипп, бронхит, ва нафас йўллари**нинг бошқа касалликларини, **йирингли яраларни, меъда-ичак, гинекологик** касалликлар, ва **гижжаларни хайдовчи восита** сифатида қўлланилади. Эфир мойи хоналарга, айниқса касалхоналарга пуркаш учун ишлатилади ва гриппда қўлланиладиган **ингафен** ҳамда нафас йўллари ва бошқа касалликларда қўлланиладиган баъзи комплекс препаратлар – “ Пектуссин ”, “ Камфомен”, “ Сунореф ”, “ Эвкатол”, “ Эфкамон”, суртмаси таркибига киради. Эвкалипт баргидан тайёрланган дамлама ва қайнатма, баргидан олинган эфир мойи антисептик таъсирга эга бўлиб, улар танглай, томоқ ва оғиз бўшлиғидаги бошқа яллиғлинишлар, ўпка, кекирдак ( трахея ) ва бронхларнинг йирингли яраларида ингаляция қилишда, қайнатмаси йирингли яраларни, чипқонни ювиш учун, гинекология амалиётида эса зарарланган бачадон, қин шиллиқ қавати ва теридаги турли йирингли яраларга даво бўлади. Настойкаси иситмага қарши ва бронхит, грипп касалликлари ҳамда йўтал вақтида қўлланилади. **Эвкалипт мойидан** ажратиб олинган соф холдаги **синеол эвкалиптол** дейилади. Эвкалипт баргларида бактерияларга қарши таъсир қилувчи, **хлорофилипт доривор препарат** (барг



хлорофилларининг аралашмасидан ташкил топган) олинган. Унинг 1% ли спиртдаги, 2% ли мойдаги ва 0,25% ли ампуладаги эритмалари **куйган жойларни, трофик яраларни,**

**бачадон қини шиллиқ пардасининг жарохатланиши** ва **бошқа стафилококк** касалликларини даволашда ишлатилади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Й. Л. Арслонов Т. А. Назаров А. А. Бобомуродов Ички касалликлар Тошкент – 2017 й.
2. Х. Х. Холматов Ў. А. Ахмедов Фармакогнозия Тошкент – 2008 й.
3. М. Махсумов Х. Алиев С. Саидов Ш. Махсумов Фитотерапия Тошкент – 2013 й.
4. В. Каримов А. Шомахмудов Халқ табобати ва замонавий илмий тиббиётда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар Тошкент – 1993 й.
5. М. А. Жўраева Доривор ўсимликлар атласи Тошкент – 2019 й.
6. Е. Т. Бердиев М. Х. Хакимова Г. Б. Махмудова. Ўрмон доривор ўсимликлари Тошкент – 2016 й.
7. Жўраев А. Ж. Ошқозон-ичак касалликларини халқ табобати усуллари билан даволаш. Услубий қўлланма. 2009 й.